

ПРЕЗИДЕНТ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ХХРНИНГ ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИСИ ХАН ЧУНЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Давлат раҳбарининг таъкидлашича, Қозоғистон Хитой Халқ Республикаси билан ҳар томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият қаратади.

Қ. Тўқаев Хан Чунлиннинг дипломатик вазифаси икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиётган даврга тўри келганини таъкидлаб, Қозоғистон Хитой билан ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишларига янги суръат бағишлашга тайёрлигини таъкидлади.

Хан Чунлин ХХР Раиси Си Цзинпиннинг саломини етказди ҳамда олий даражадаги фаол сиёсий мулоқотлар туфайли икки давлат ўртасидаги абадий стратегик шериклик мисли кўрилмаган даражага етганини таъкидлади.

Элчи, шунингдек, Хитой ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ўзаро ҳамкорликнинг юксак суръатини сақлаб қолиш учун барча саъй-ҳаракатларнинг амалга оширилишига ишонч билдирди.

Учрашувда икки томонлама кун тартибининг асосий масалалари, жумладан, савдо-иқтисодий, сарможий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК, ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ



ПРЕЗИДЕНТ, ҚАТОР ДАВЛАТЛАРНИНГ ЭЛЧИЛАРИДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ақурда қароргоҳида тўққизта давлатнинг фавқулодда ва мухтор элчилари томонидан Қозоғистон Президентига ишонч ёрлиқларини топшириш маросими ўтди.

Ишонч ёрлиқларини Кипр Республикаси элчиси Петрос Накузис, Япония элчиси Ясумаса Иижима, Хитой Халқ Республикаси элчиси Хан Чунлин, Австрия Республикаси элчиси Андреа Бахер, Буркина-Фасо элчиси Аристид Рапугдондба Людовик Тапсоба,

Лаос Халқ Демократик Республикаси элчиси Сипхандон Ойбуабудди, Янги Зеландия элчиси Марк Жулиан Трейнор, Дания Қироллиги элчиси Йеспер Вар ва Словения Республикаси элчиси Аленка Сухадолник топширишди. Президент мамлакатимизда

жаҳон ва минтақавий миқёсда тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашга қаратилган тинчликсевар сиёсат олиб борилаётганини ва бу – Қозоғистон ташқи сиёсатининг асосий йўналиши эканлигини таъкидлади.

Қ. Тўқаев Қозоғистон халқаро майдонда фаол иштирокчи бўлиб, йирик тадбирлар ва учрашувларга мунтазам равишда мезбонлик қилаётганини ва Қозо-

ғистон бозори ҳамиша иқтисодий ҳамкорлик учун очиқлигини қайд этди.

Учрашув якунида Давлат раҳбари элчиларни дипломатик хизматларининг расман бошлангани билан табриклади ва давлат раҳбарларига уларнинг самимий саломларини етказди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ “МИЛЛАТ ОТАСИ”НИ ТАБРИКЛАДИ

Давлат раҳбари Туркменистон Халқ Кенгаши Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқотда бўлди.

Суҳбат чоғида Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Гурбангули Бердимухамедов икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

ҚР Президенти Туркменистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган Халқаро тинчлик ва ишонч йилининг бошланиши билан қардош халқнинг “Миллат отаси”ни табриклади.

Давлат раҳбари Ашхободнинг бугунги дунёвий муаммолар даврида тинчлик ва муроसाга чақирувчи ташаббуси алоҳида аҳамият касб этишини ва Қозоғистон уни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканини таъкидлади.

Гурбангули Бердимухамедов Халқаро тинчлик ва ишонч йили доирасида минтақавий ва халқаро ҳамкорлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган Туркменистон концепциясининг асосий устувор йўналишлари ҳақида маълумот берди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Гурбангули Бердимухамедов Қозоғистон-Туркменистон муносабатларининг юксак даражасига эътибор қаратиб, энергетика, транспорт-транзит, маданий-гуманитар соҳаларда шу пайтгача эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилдилар.

Суҳбат чоғида минтақавий интеграция масалалари ва истиқболда режалаштирилган уч томонлама шаклдаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

АСРЛАР ОША АХБОРОТ МАЙДОНИДА ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ



Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев «Казхастанская правда» газетаси жамоасини 105 йиллиги билан табриклади.

Давлат раҳбари ушбу сана Қозоғистон журналистикаси тарихидаги муҳим воқеа эканлигини таъкидлади.

“Нашр илк сонларидан эътиборан мамлакат тараққиёти, эл бирлигини мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшди. Газетанинг асосчилари халқимизнинг атоқли фарзандлари эди. Таҳририятда турли даврларда халқимиз фахри бўлган, эл-юрт манфаатларини барчасидан устун қўйган ёрқин қалам ва сўз усталари етишиб чиққан.

Бир асрдан зиёд тарих давомида нашр Қозоғистон оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий йўлбошчиси, долзарб ва қизиқарли маълумотларнинг ишончли манбаси, кенг ўқувчилар оммаси учун маънавий қўлланма бўлиб келмоқда”, дейилади табрик матнида.

Давлат раҳбари, шунингдек, бугунги кунда газета ижодий жамоалари кекса ҳамкасблари, устозларининг шонли йўлини муносиб давом эттираётганини алоҳида таъкидлади.

“Газета қўллаб тарихий воқеаларни, айниқса, мустақиллик солномасини ёзишда катта ишларни амалга оширди. Халқнинг янги сифатини шакллантириш йўлидаги фидокорона меҳнатингиз учун сизга самимий миннатдорчилик билдираман. Ишончим комилки, сиз ўз эзгу вазифангизни шараф билан бажариб, ўқувчиларни ишончли маълумотлар ва юқори сифатли таҳлилий мақолалар билан мамнун қиласиз. Барчангизга фаровонлик ва муваффақият тилайман!” деб ёзди Президент.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.



ПАХТА ЗАВОДЛАРИ БАРПО ЭТИЛАДИ

Ўтрор туманида иккита пахтани қайта ишлаш заводининг тамал тоши қаланди. Маросимда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев иштирок этиб, ташаббусга муваффақият тилади. Сармоядорлар билан учрашиб, пахта-тўқимачилик кластерини ривожлантириш лойиҳаси билан танишди.

Вилоят раҳбари инфратузилмани таъминлашга ҳар томонлама кўмак курсатиш ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишга ваъда берди.

Мазкур лойиҳа “Туркистон пахта агросаноат мажмуаси” МЧБ ва “Туркистон” ижтимоий-тадбиркорлик корпорацияси ХЖ ҳамкорлигида амалга оширилади. Ноёб лойиҳа сувни тежовчи замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда юқори талабларга жавоб берадиган хомашё базаси, замонавий пахтани қайта ишлаш, томчилатиб сўғориш ускуналарини ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа инфратузилма иншоотларини барпо этишни назарда

тутади. Бу ерда маъмурий бино, деҳқон хўжалиги базаси, насос станциялари қад ростлайди. Лойиҳанинг умумий сарможий қиймати 80 млрд тенге.

Лойиҳа натижасида йилга 160 миң тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга 4та замонавий заводни ишга тушириш ва 6 миң тонна пахта чигити ишлаб чиқариш қувватига эга тизимни яратиш имконини беради.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»»2025 йил – Ишчи касблари йили

ТЕХНИК МУТАХАССИСЛАР УЧУН ЯНГИ УЙ-ЖОЙ ДАСТУРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ



Давлат раҳбарининг ташаббуси билан “Ишчи касблари йили” Давлат дастури доирасида ҳукумат томонидан техник мутахассисларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда.

Бош вазир Ўлжас Бектеновнинг топшириғига мувофиқ, ишчи касблари мутахассисларининг уй-жой муаммосини ҳал қилиш мақсадида “Отбасы Банк”нинг “Наурыз жұмыскер” янги дастури ишга туширилди.

Дастур sanoat, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари ходимлари учун мўлжалланган. Жорий йилда “Наурыз жұмыскер” дастури доирасида ишчи касблари вакилларига 72 миллиард тенге миқдорида 2 миң 440га қичин кредит бериш режалаштирилган.

Ариза топширишнинг сўнгги муддати 2025 йил 17 мартга белгиланган.

Насиянинг энг кўп миқдори минтақалар учун 30 миллион тенге, Астана ва Алматы шаҳарлари учун 36 миллион тенге.

ҚР Ҳукуматининг матбуот хизмати.

Қиш чилласида қулупнай пишди

Сўнгги йилларда вилоятимизда иссиқхона хўжаликлари фаолияти анча ривожланди. Натижада, экспортбон ва рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узлуксиз етиштириш, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ва даромадини янада ошириш учун қулай шароит яратилмоқда.



Кентов шаҳридаги “Муҳаммад Али” деҳқон хўжалиги иссиқхонасида қулупнай ҳосили йиғиб олинмоқда.

Хўжалик раҳбари Улуғбек Отахоновнинг айтишича, жорий йилда қулупнайнинг “Мурана”, “Анабиал” ва “Альбион” каби навлари етиштирилди.

– Қулупнай – тансиқ ва харидорғир маҳсулот, – дейди Улуғбек. – Авваламга мен фақат очик ерда резаворлар – қулупнай ва хўжағат етиштирардим. Қишда дўкон ва бозорларда қулупнай сотилаётганини кўриб, уни пленка остида етиштиришга қарор қилдим. Удаладим. Энди йил бўйи иш ҳам, даромад ҳам бор. Келгусида иссиқхонани кенгайтиришни режалаштирялмиз. Ҳозир у 0,21 гектар майдонни эгаллайди. Ушбу майдондан 1 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ҲОКИМ БИЛАН УЧРАШУВ

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров собиқ Жанубий Қозоғистон ва бугунги Туркистон вилоятининг фахрий-зиёлиларининг бир гуруҳ вакиллари билан илк учрашувини ўтказди, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади.



60 нафар фахрий отахонлар иштирок этган тadbир мароқли ва мазмунли ўтди. Учрашувда ҚР «Дўстлик» ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов ва давлат хизматиде фаолият юритиб, фахрий ҳордиққа чиққан Маъмуржон Йўлдошевлар ҳам иштирок эттишди.

Тadbир давомида И. Ҳошимжонов сўз олиб, вилоят ҳокимининг фаолиятига зафарлар тилади ва Давлат раҳбарининг муносиб вакили сифатида олиб бораётган ишлари учун миннатдорчилик билдирди. У кейинги йилларда Туркистон шаҳри тубдан ўзгариб, янги ижтимоий иншоотлар, уй-жой мажмуалари қад ростлаётгани, бутун туркий оламнинг маънавий маркази сифатида тараққий этаётганини таъкидлади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

»» Маънавият, маданият ва матбуот

Адиб М. Аюезов ва Туркистон

Адиб Мухтар Аюезовни нафақат Қозоғистон, балки Марказий Осиё ва жаҳон зиёли китобхон аҳли яхши билади, қадрлайди. Фаолияти кенг ва кўп қиррали адиб устоз, жамоат арбоби, Қозоғистон ССР Фанлар академияси академиги ҳамда мамлакатимиз ёзувчилар уюмаси раиси ҳам эди.



1897 йили сентябрь ойида Семей вилояти (ҳозирги Абай)да таваллуд топди. М. Аюезов туғилган оила буюк Абай Қунанбаевга қариндошлик жиҳати бор эди. Отанадан эрта етим қолган бўлажак адиб амакиси Қасимбекнинг оиласида тарбияланади. Илмга чанқоқлиги, изланувчанлигидан мадраса, шаҳар билим юрти, сўнг ўқитувчилар семинариясида тахсил олади. Тошкент, Ленинград шаҳарларида университетларда олий маълумот олади. Тошкентга қайтиб келиб, аспирантурада ҳам ўқийди. Машҳур «Абай» ҳамда кўп жилдли «Абай йўли» асарлари учун 1948 ва 1959 йиллари адиб М. Аюезов Сталин ҳамда Ленин мукофотлари билан тақдирланганлиги унинг ёзувчи сифатидаги маҳоратининг ёрқин далилидир.

Мухтар Аюезов 1955 йили Туркистонга ташриф буюради. Кўҳна заминнинг маданият, маърифат, маънавият соҳалари билан, табиийки, ҳозирги маҳаллий «Туркистон», ўша кезде фақат давлат тилида чоп этилган «Қызыл Туркистон», «Коммунистик енбек» нашрлари билан ҳам теран танишади. Туман партия кўмитаси котиби Умаров билан учрашув чоғида ўзбек аҳолиси гавжум яшайдиган ҳудудда маҳаллий газетанинг ўзбекча таржима шаклида ҳам нашр қилиш зарурлигини таъкидлайди. М. Аюезовнинг машҳур ёзувчи-адиб сифатидаги нуфузининг амалдаги маҳсули унинг таклифи асосида кўп ўтмай, 1956 йилдан бошлаб, Туркистонда маҳаллий газета ўзбек тилида ҳам нашр қилина бошлайди. Биринчи муҳаррир бўлиб фаол жамоатчи Абдуҷаббор Абдусатторов тайинланади. Бу нашр тахририятига элга таниқли қалам соҳиблари, шу заминга киндик қони томган Миртемир Турсунов, Одил Ёқубов, Носир Фозилов, Пулат Иброҳимов, Бобохон Абдураимов, Фарҳод Раҳимов, Султон Бобохонов, Ҳамза Мирҳайдаров, Парпи Бобоев, Эрназар Рўзиматов, Долимжон Сайфуллаев, Ҳусан Убайдуллаевларнинг ижодий намуналари доимий чоп этилганлиги шонли тарих.

Афсуски, ижтимоий тармоққа қизиқиш устунлигимиз ёки она тилига лоқайдлик сабабими, ҳуллас, ўтган 2024 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, адиб Мухтар Аюезов ташаббуси билан Туркистон ўзбек аҳолиси учун очилган ўзбек тилидаги нашр муштарийлари етарли бўлмаганлиги сабаб, ўз фаолиятини тўхтатди. Бу нашрни очган, шу жамоада меҳнат қилган, бугун орамизда йўқ барча қалам аҳлининг охирати обод бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

БАҲОРГИ ДАЛА ИШЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Давлат раҳбарининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини икки баравар ошириш бўйича топшириғи доирасида Туркистон вилоятида асосий капиталга сармоя жалб қилиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш, минерал ўғитлардан илмий асосда фойдаланиш, замонавий сутчилик фермасини барпо этиш бўйича режалар муваффақиятли амалга оширилди. Натижада умумий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 1,1 трлн. тенгеге етди.

Бугунги кунда минтақада баҳорги дала ишларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу масала вилоят ҳокимининг девони мажлисида муҳокама қилинди. Вилоят раҳбари Нуралхан Кўшеров мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

– Туркистон вилоятининг асосий йўналишларидан бири – қишлоқ хўжалиги. Ерга уруғ қадаш ишлари бизда бошқа минтақаларга нисбатан анча эрта бошланади. Кузда яхши хирмон кўтариш учун баҳорги дала ишларини сифатли олиб бориш зарур. Деҳқонлар, ширкат хўжаликларини қўллаб-қувватлашда барча давлат дастакларидан фойдаланиш зарур. Қишлоқ хўжалиги бўйича белгиланган кўрсаткичлар бажаралиши шарт, – деди Нуралхан Кўшеров.

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбарининг вазифасини

вақтинча бажарувчи Алибек Плавонинг таъкидлашича, жорий йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдони ўтган йилга нисбатан 27 минг гектарга кенгайтирилиб, 896 минг гектарни ташкил этди. Жумладан, ёзги экинлар – 518 минг гектар, кузги экинлар – 204 минг гектар, эски беда – 174 минг гектар.

Баҳорги дала ишлари учун 61,5 минг тонна имтиёзли ёнилғига эҳтиёж аниқланди. Февраль ойидан бошлаб ёнилғи, мойлаш воситалари берили бошлайди. Ёзги экинларни экишда уруғ масаласида муаммо йўқ. Минерал ўғитлар билан таъминлаш учун вилоят бюджетидан 7 млрд. тенге ажратиш кўзда тутилган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Обуначиларимиз орасида



Саврон туманига қарашли Қозоғистон 30 йиллиги қишлоғи ЎЭМБга тажрибали устоз, “Жанубий Қозоғистон” газетасининг жонкуяри, дарсликлар ёзган Абдуҳамид Олимжон ўғли (тасвирда) раҳбарлик қилади.

У 1958 йили 27 январда зиёли Олимжон ота хонадонидан дунёга келди. Тошкент шаҳрида ўзбек ва рус тили ихтисослиги бўйича иккита

ВАСИЙЛИК КЕНГАШИНING ФАОЛИ

нуфузли олий ўқув юртини тамомлаган. Қадрдон қишлоғидаги Мўлда Муса номли мактабда ёш авлодга таълим тарбия берди. Умр йўлдоши Мухаббат Неъмат қизи билан фарзандлари Малоҳат, Алишер, Фароғатларни тарбиялаб, неваралар кўрган бахтли оила соҳиб.

Эътиқодли намозхон, қадрдон мактаби ота-оналар кўмитаси, васийлик кенгашининг фаол аъзоси сифатида элда эъзоз топган Абдуҳамид Олимжон ўғлини таваллуд қилиши муносибати билан муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, умр йўлдоши билан бирга қўша қаршини ва фарзандлар камолини кўриш саодатини тилаб қоламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф суратга олган.

»» Биздан эрта кунга нелар қолмоқда...

Эски Иқон: теран тарихдан ёрқин келажакка

“Оталар чойхонаси” сайёр анжумани иштирокчилари Эски Иқон қишлоғидаги маданият, бунёдкорлик, маърифат ҳамда кўҳна тарихимизни тарғиб этишга оид янгиликлар билан танишдилар...



Туркистон, Кентов шаҳарлари билан Саврон туманидаги фаол муштарийларимиздан иборат “Оталар чойхонаси”нинг навбатдаги сайёр анжумани Эски Иқон қишлоғида ўтди.

Тadbир иштирокчилари дастлаб жорий йили таваллудининг 115 йиллиги халқаро миқёсда нишонланганидан адиб Миртемир Турсунов номидаги адабиёт музейи фаолияти билан танишдилар. 1991 йили партия XXIII съезди номли пахтачилик давлат хўжалиги директори, Қозоғистон Халқ депутати Эркин Аббосов ташаббуси

ҳамда ҳомийлигида, Муборак Қосимов, Улугбек Тошхонов каби фаоллар саъй-ҳаракати ила барпо этилган музей ҳовлисига ёдгорлик ҳам ўрнатилган. Музейга адибнинг қариндоши Элбек Турсунов мудирилик қилмоқда.

Меҳмонлар гувоҳлигида музей ҳовлисида Эски Иқон қишлоқ округи ҳокими ўринбосари Абдусаттор Расулов Саврон туман ҳокими Мақсат Танаатаров имзолаган “Сауран ауданина сиңирген еңбегі үшін” медалини фаол обуначимиз, вилоят оқсоқоллар кенгаши аъзоси, “Умримдан хотиралар” китобини ёзиб, ўз ҳисобидан чоп эт-

тирган фидойи ҳамюртимиз, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси Ирискул Аббосовга тантанали равишда тақдим этди.

1976 йили фойдаланишга топширилган кўп юз кишилик қишлоқ маданият саройи бугунги кунда Саврон тумани маслаҳати депутати Хуршид Шаропов раҳбарлигида самарали фаолият юритмоқда. 2000-йилларда ушбу даргоҳ тоmidан чакка ўтиб, таъмирталаб чоғида газетамиз ушбу муаммони кўтарган эди. Пировардида маданият саройининг томи янгиланди. Саврон тумани ташкил этилгач, уни тубдан таъмирлаш учун маблағ аж-

ратилиб, бугунги кунда замонавий ва муҳташам қиёфа касб этди.

Қишлоқда хунар коллежини бунёд этиб, кўп хайрли ишларни амалга оширган, бир неча қақриқ шаҳар, вилоят маслаҳатлари депутати этиб сайланган фаол обуначимиз, марҳум Муталлиб Йўлдошевнинг бунёдкорлик фаолиятини унинг серғайрат фарзанди Отабек муносиб давом эттирмоқда. Хусусан, қишлоқ марказида қурилган янги спорт ва умумтаълим мактаб-гимназиясида айни пайда юзлаб иқтидорли ёшлар таълим-тарбия олмақда.

Қишлоқ бийи, тажрибали устоз Ма-

рат Эргашов, кураш бўйича иқтидорли шоғирдлар тайёрлаган таниқли мураббий Хислат Мамедов ҳамроҳлигида меҳмонлар спорт мактаби залларини оралаб, қўлга киритилган ютуқлар билан танишдилар. Спортчи ўсмирларнинг мураккаб машқларни маҳорат ила намойиш этаётганлигини томоша қилиб, таҳсинлар айтдик.

Иқтидорли ёшлар учун давлатимиз томонидан яратилган шароитлар, ҳамқишлоқларини шундай имкониятлардан баҳраманд этган фаол обуначимиз Отабек Муталлиб ўғлидан қишлоқ аҳли мамун.

(Давоми 3-бетда).

»» Маданий сиёсат концепцияси – 2023-2029

(Охири.
Боши ўтган сонларда).

Сайрамликлар шу минтақадаги энг қадимий аҳоли сифатида Турон аҳли асрлар давомида сиғиниб келган бирор динни бегона ҳисобламаганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз: шаманчилик, зардуштийлик, оташпарастлик, буддизм, ислом. Ёлғиз Яратганга ишониш ва сиғинишнинг турли шакллари бўлган бу динлар Сайрам аҳлининг ҳозирги ҳар кунги турмушида у ёки бу муносабат билан ўзини намойиш қилиб туради.

Ислоний кўринишга эга бўлиб қолган сувни ва ерни ифлос қилмаслик, кўкариб турган дарахтларни синдириб қолмаслик, кесмаслик, тупроқни улуғлаб, уни ҳатто, дори сифатида қўллаш, дарахт ва ҳайвонларда ақл бор деб ҳисоблаш, айрим ойларида ва кунларида "туй-ҳашам қилмаслик ҳам; "Хунлар ой йил ой кунни (календари) билан иш қўриб, байрам (туй – Б. И.) вақтлари қатъий белгилаб қўйиларди (Л. Викторова, Монголы, М., 1980, 66-б.) каби тушунча ва одатлар асли шаманизмга ҳам бориб тақалади. Аёллар орасида ҳозир ҳам амал қилинадиган "бир тўққиз" ҳам асли шаманизмдан қолган қолдиқ: "Турк халқининг ичинда расм турур ҳар нимарсани тўққиз қилмоқ" (Абулғозий, Шажараи турк, Т., 1992, 17-б.).

ҳам манбаи, ҳам маъбуду бир динлар моҳиятида кескин ажралиб турувчи томонлар топиш мумкин.

Ислон дини қабул қилингандан кейин Сайрам бу дин тарқалиши ва ривожланишида ўзига хос ўрин тутди. Баъзилар Сайрам – иккинчи Макка деган иборада муболага кўрадилар. Аммо бу ўринда озми-кўпми ҳақиқат бор. Агар Макка, бутун ислом дунёсининг маркази бўлса, динимизнинг манба шахри бўлиб, ислом дини шу ердан қилич кучи билан дунё миқёсидаги динлар доирасига кўтарилган бўлса, Сайрам – турк оламининг жуда катта қисми учун ислом дини маркази, уларнинг катта қисми шу шаҳардан ва шу шаҳарлик тасаввуфчилар ташвиқоти натижасида исломга восил бўлганлар. Сайрам турклар орасида кенг тарқалган тасаввуф – суфийлик маркази – ватани ҳамдир. Ҳазрати Аҳмад Яссавий асос солган Ҳудони севишда, Куръон ва фақат Куръонга асосланган ҳолда ислом динини турли одат ва урфлардан тозалаган: дин – дилда, дин – ишонда, дин – ўзгаларга яхшиликда, дин – ўз ватани, халқини ва шу асосда Ерини, Инсонни, ниҳоят шу йўллар билан Ҳудони севишда, деган асос ғояларини илгари сурди. Сайрам яна шу билан улғуғи, у ерда инсониятнинг энг улғуғи сиймоларидан бири Шайх Исҳоқ бобо зурриёти Шайх Иброҳим ота ўғли

САЙРАМ – ТУРКИСТОН ТАРИХИДА

Оламдаги кўзга кўринмас кучларни яхшилик кучлари (пари, пирлар) ва ёмонлик кучлари (дев, алвасти, ажина)га ажратиш тушуниш, осмон жисмлари (юлдуз, Кўёш) ларни улуғлаб, уларнинг инсон тақдирида муҳим рол ўйнашига ишониш, Меҳри исми (Меҳри исми зардуштийликнинг муқаддас китоби Овустода Миҳр шаклида Кўёшни ифода этади) кабилар зардуштийлик дини асотирларидир.

Сайрам аҳолисини унинг атрофидаги, қишлоқлар аҳолиси баъзан "муғ"лар ёки "муғулар" деб ҳам аташади. "Муғ" сўзи Сайрам аҳолиси тарихида зардуштийлик динининг анча кўп из қолдирганидан далолат бўлса керак. Зардуштийлик жамоалари Туркистонда (э.а. XI асрларда ҳам мавжуд бўлиб, араб манбалари уларни маъжусийлар деб номласа, форс манбалари уларни муғлар деб номлайди (В. Бартольд, II-ж., I-к., 211-б.). Оташпарастларни "муғ" деб номлаш фақат Сайрам ҳавзасигагина эмас, деярли бутун Туркистонга хосдир: "... у жойда фақат икки-учта кўш сақланиб қолган ва уларни "Кўши муғон" дейдилар. Чунки у жойда оташпараст (муғ)лар турганлар. Бу вилоятда оташпарастлар ибодатхоналари кўп бўлган ва муғ кўшклари дарвозаларнинг олдида гўзал ва оромбахш боғлари бўлиб, уларнинг экин ерлари жуда қимматбаҳо бўлган" (Норшахий, Бухоро тарихи, 110-б.).

"Ва ҳам Туркистон мамлакатларида бино бўлган эски харобалар бор, ани "муғний" иморати деб айтувлар. "Муғ" деб оташпараст Афросиёбдан қолган иморатлар бўлса керак" (Ибрат, "Фарғона тарихи", Т., 1991, 275-б.). Ушбу жамоалар йиғилиб ибодат қиладиган жой ҳам муқадда деб аталган. Форсчаси: хонаи муғ. Баъзан муқаддани оташкада деб номлаганлар. Бу зардуштийлик билан оташпарастлик бир-бирига жуда яқин ёки бир дин эканлигига ишора қилувчи восита ҳамдир. Зардуштийлик динини, ҳатто XX аср бошларидаги йирик тарихчилар ҳам "мағ" дини дейишнинг учратиш мумкин: "...айтиладики, Сул турк бўлиб, у укаси Феруз билан бирга Журжон вилоятининг ҳоқими эдилар (717-йил), аммо улар турк бўлишига қарамай, мағ дини (зороастризм)ни қабул қилиб, форсларга ўхшадилар" (В. Бартольд, II-ж., I-к., 556-б.).

Дунёдаги энг қадимги ёзма ёдгорликлардан бири бўлиши Овустода муғтубиш – "муғ душмани" таркиби ҳам ҳозирги шевалярида ишлатиладиган муғу сўзи билан бир ўзакданлиги диққатга сазовордир (Основи иранского языкознания, М., 1981, 186-б.).

Учқокни муқаддас ҳисоблаб, унга сув қуйиб ўчирмаслик, марҳумлар арвоҳи учун шам ёқиш, болаларга ўт-олов билан ўйнаши (яъни болалик қилиб оловни беҳурмат қилишга йўл қўймастик учун ҳам) ман қилиш, олов билан инсонни ва нарсаларни турли ёмон кучлардан тозалаш кабилар оташпарастлик қолдиқларидир.

Дин хизматчиларини улуғлаш (мулла, эшон, имом), тенгқурларнинг йиғилиб улфатчилик (ҳозир мазмуни бир оз ўзгарган) қилиши, яқинда Сайрамдаги археологик қазилар натижасида кашф қилинган" тарихий обидалар буддизмнинг таъсири сифатида намоён бўлади.

Дин ва одатларнинг аралаш шаклда, бир-биридан ажратиш қийин бўлган ҳолатда мавжуд бўлиши бир дин ёки одатга хос хусусият иккинчисида тақдорланиши мумкин. Айниқса, дин билан одатни аралаштириб юбориш ҳоллари ҳозир ҳатто илмда ҳам кенг тарқалган. Масалан, суннат қилиш одат эканлиги, уни динга алоқаси йўқ эканлигини ҳозир ҳатто кўпчиликка исботлаб бериш ҳам қийин. Шунинг учун биз юқорида келтирган далилларда дин ва одат аралашиб кетган бўлишини ҳам табиий ҳол деб билдик. Зеро, ҳозир энг қадимги даврлардан фарқ қилиб, бутун аҳоли ёппасига ислом динида бўлгани ҳолда

Хожа Аҳмад Яссавийни етиштирди. У улғуғ зот Сайрамда туғилди. Бутун Туркистонни улғуғлади, динни шарафлади, халқини эъзозлади, "бутун турк маънавиятининг отаси, "Туркистоннинг – туркликнинг пирин" га айланди. У зот ўз дини, асли, насли, халқи, тили билан фахрланди:

*Юртум турки, элим туркидур,
Тилим кўб тиллардин кўрклюдур.*

Сайрам аҳолиси зич шаҳарлардан бўлган. Бу шаҳардан унинг атрофида на бошқа узоқ манзилларга тез-тез оммавий кўчишлар юз берганлиги ҳам тарихий ҳужжатлар билан тасдиқланади. Шарқий Туркистондаги Сайрам қишлоғини XVIII асрда Сайрам шаҳридан кўчиб борганлар ташкил топтирганлар (бу жунгор истилоси билан ҳам боғлиқ ҳолдаги кўчиш бўлса керак). Ундан кейинроқ Сўзоқ қишлоғидан ҳозирги Қирғизистоннинг Ўш вилояти ҳудудига кўчиб борганлар янги жойдаги қишлоғини ҳам Сўзоқ деб номлаганлар. Сайрам шаҳар сифатида тахминан 1850 йилгача мавжуд бўлган экан, 1862 йили ўрус босқини натижасида аҳолининг қирилиши ва катта бир қисмининг Қўқон хонлигининг ичкари қисмига кўчиши (асосан, Тошкент шаҳрига) оқибатида катта қишлоққа айланди. Сайрамдан аҳолининг кўчиб кетиши 1917 ва 1924 ҳамда 1933-34-йилларда ҳам сезиларли даражада бўлди. Шунинг учун ҳам ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг барча бурчакларидан икки-уч авлоди асли сайрамлик бўлган кишилар кўплаб учрайди. 1917 ва 1933-йиллардаги кўчишнинг асосий сабаби иқтисодий қийинчилик ва очарчилик бўлса, 1924 йил атрофидаги кўчишнинг сабаби ўрус Совет империяси ўтказган миллий чегаралаш сиёсати эди.

Сайрам атрофидаги кентлардан бошқа жойга борган одамлар, ҳанузгача: қаердансиз деган" саволга иккиланмай "Сайрамданман", деб жавоб берадилар. Бу Сайрамнинг ўзи жойлашган минтақадаги макеинигина эмас, қисман бўлсада тарихини ҳам акс эттиради. Чунки, айрим шаҳар ва қишлоқлар таъбир жоиз бўлса, бевоқиф Сайрамдан учриган. Шуни ҳисобга олган ҳолда Сайрам минтақасидаги аҳоли қадимий кентларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Сайрамдан борган аҳоли асосини ташкил қилган кентлар: Султон-Работ қишлоғи, Чимкент шаҳри, Манкент қишлоғи, Туркистон шаҳри, Қарноқ қишлоғи, Қорачуқ қишлоғи.

2. Асосий аҳоли бошқа этносдан, лекин Сайрам аҳолиси ҳам шаклланишида иштирок этган кентлар: Иқон, Чўрноқ, Қорабулоқ, Қорамурт, тарихий Утрор, Сўзоқ, Чўлоққўрғон, Авлиёбота.

Сайрам ҳавзасидаги тарихий номларда "ота" унсури тез-тез учраб турганлигидан бу сўзнинг маъноси ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас деб билдик. Бунинг устига кейинги пайтда "ота" сўзини ҳар ким ўз билганича, хаёлига келганича талқин қилиб, уни тўғридан-тўғри "болани туғдирган ота"га боғлаб қўймоқда. "Ота" сўзи ҳақиқатан ҳам ҳозирги тилимизда падар маъносини ифода этади. Аммо Исҳоқ ота (Туркистон минтақаси), Иброҳим ота (Сайрам), Мансур ота (Ёрғолик), Муҳаммад Шариф ота (Султон-Работ), Занги ота (Янгийўл), Ҳаким ота (Хоразм), Авлиё ота (Жамбил), Ўқоша ота (Туркистон) каби номлардаги "ота" падар маъносидега эмас. Бу атамаларда "ота"нинг маъноси "йўлбошичи", "етагчи" – яъни яхши, эзгу йўлларга бошловчи инсон. "Турк халқи азиз кишиларни "ота" дерлар" (Абулғозий, Шажараи турк, 39-б.). Улар диний нуктаи назардан муайян поғонага етиб, ўз йўлини топиб, ана шу йўлга бошқаларни етакловчи шахслардир. "Ота" унвоинга ҳар бир шахс эга бўлавермаган. Шахс исмига "ота" унвоини қўшилиши учун у зот ўз замонасидаёқ илмда, динда, тақвода замондошлари томонидан эътироф қилиниши керак бўлган.

Бахтиёр ИСАБЕК.

Эски Иқон: теран тарихдан ёрқин келажакка

(Давоми. Боши 2-бетда)

Қишлоқдаги Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг замондоши Ошиқ Юсуф ота мақбараси адиб Мухтар Аюезовнинг ўғли, жамоат арбоби Мурат Аюезовнинг ташаббуси билан "Маданий мерос" давлат дастури доирасида қайта таъмирланганлиги шонли тарих.

Қишлоқ ҳокими, Туркистон шаҳри ва Сайрам тумани ҳокими ўринбосари бўлиб ишлаган, ҚР "Дўстлик" ҳамжамиятини самарали бошқарган жамоат арбоби Раҳматжон Абдусатторовнинг ташаббуси билан Ошиқ Юсуф ота мақбараси ҳудудида бир неча йил муқаддам ҳимматли иқонликлар ҳомийлигида замонавий мажмуа барпо этилди. Зиёратчилар учун жуда кўп манбалар, хусусан, тадиқотчи тарихчи Саидоли Нуршиддин ўғли тўплаган муҳим маълумотлар жамланган ушбу мажмуа қадим тарихимизни ўрганиш учун аҳамиятлидир. Илм, фан, иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда маънавият тараққиётига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиз,



Раҳматулла Ёқубов ва яна бир гуруҳ фаолларга Райимжон Қўчқоров ва Қурбонбой Ирисбеков раҳбарлигидаги Туркистон шаҳар ва Саврон тумани УЭМБ бошқаруви томонидан иззат-икром кўрсатилиб, совғалар топширилди. Адиб Мухтар Аюезов ташаббуси билан очилган ўзбек тилидаги Туркистон шаҳар ва туман газетасининг 2024 йилнинг иккинчи ярмидан эътиборан муштарийлар етишмаслиги

Шухрат Мамадияров, доирачилар Тўражон Шералхонов, Хайрулла Муродовлар даврага файз киритишди.

Тўйга келдик, тўйку деб, Кетамизми ичиб-еб. Айтчи қандай бўлади, Ўйнамасак тўйга кеб. Зарра қолмай тарк этди, Ёшлиқдаги шижоат. Келчи бир бор ўйнайлик. Десаларда гар уят, –

назм сатрлари муаллифи янги-қонлик Бобожон Ёқубов, Айниддин Абубакиров, Ирискул Аббосов, Йўлдош Қосимовлар завқ ила рақсага тушиб, ёшларга ибрат кўрсатишди. Қишлоқ тараққиётига кўп хизматлари сингган жамоат арбоби, Қавмидин ато-Иқоний номидаги масжидни барпо этган, ҚР собиқ Бош Муфтийси, олим Абдусаттар Дербисали китобини қозоқ ва ўзбек тилида нашр қилдирган (таржимон Д. Сайфуллаев) Дониш Маннотов, Саврон тумани



муштарак тарихимиз ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар ўрнатилиб, дид билан жиҳозланган. Мажмуанинг халқаро даражадаги тантанали очилиш маросимини Абай номидаги давлат мукофоти соҳиби, адиб Қўлбек Ергўбек бошқарганди. Уша кездеги Саврон туман ҳокими Ғани Ирисбеков, вилоят маънавият раиси Қайрат Балабиев, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ҳамда қатор хорижий мамлакатлардан машҳур олимлар иштирок этгани ҳақидаги мақола газетамизда чоп этилган. Мажмуа ҳовлисида Ошиқ Юсуф отадан тортиб, янги тарихимиз – тилшунос академик Раҳмонкул Бердибой, Қозоғистон Халқ депутати Эркин Аббосов, вилоят маънавият депутати Муталлиб Йўлдошев, академик Абдумуталлиб Ҳожиев каби элга хизмати билан танилган дарғаларга ёдгорликлар ўрнатилган. Ошиқ Юсуф ота мажмуаси тарихий ёдгорлик сифатида Туркистондаги Ҳазрат Султон давлат кўриқ музейи тасарруфига киритилган. Бу ерда бир неча мутахассис ходимлар иш билан таъминланган. Р. Абдусатторов мажмуадаги манбалар билан батафсил таништирди, режалар ҳақида баён этиб, кўплаб саволларга жавоб берди.

"Оталар чойхонаси" иштирокчилари фаол обуначимиз Ирискул Аббосовнинг кенжа ўғли, тадбиркор Асқад Ирискул ўғли барпо этган икки қаватли ошонанинг илк хўрматли меҳмонлари бўлишди. Туркистон шаҳар УЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши вакили Хусан Убайдуллаев 28 январькуни соат 15.00да Ҳамза номли мактабда вилоят "Дўстлик уйи" этномедияти маркази раҳбари Бахтжан Бейсембаев иштирокида ўтадиган учрашувга барча фаолларни таклиф этди. Тўқсон ёш арафасидаги кекса устоз-шоир Айниддин Абубакиров, ҚР Маданият арбоби Ирискул Аббосов, Юсуф ота мажмуасини барпо этган жамоат арбоби Раҳматжон Абдусатторов, Ўрангай қишлоғидаги умумтаълим мактаби бошланғич УЭМБ раиси

сабаб, ёпилиб қолганлиги барчакилувчи стендлар ўрнатилиб, дид билан жиҳозланган. Мажмуанинг халқаро даражадаги тантанали очилиш маросимини Абай номидаги давлат мукофоти соҳиби, адиб Қўлбек Ергўбек бошқарганди. Уша кездеги Саврон туман ҳокими Ғани Ирисбеков, вилоят маънавият раиси Қайрат Балабиев, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ҳамда қатор хорижий мамлакатлардан машҳур олимлар иштирок этгани ҳақидаги мақола газетамизда чоп этилган. Мажмуа ҳовлисида Ошиқ Юсуф отадан тортиб, янги тарихимиз – тилшунос академик Раҳмонкул Бердибой, Қозоғистон Халқ депутати Эркин Аббосов, вилоят маънавият депутати Муталлиб Йўлдошев, академик Абдумуталлиб Ҳожиев каби элга хизмати билан танилган дарғаларга ёдгорликлар ўрнатилган. Ошиқ Юсуф ота мажмуаси тарихий ёдгорлик сифатида Туркистондаги Ҳазрат Султон давлат кўриқ музейи тасарруфига киритилган. Бу ерда бир неча мутахассис ходимлар иш билан таъминланган. Р. Абдусатторов мажмуадаги манбалар билан батафсил таништирди, режалар ҳақида баён этиб, кўплаб саволларга жавоб берди.



ўқиб, эшиттирилди. "Оталар чойхонаси" ташаббускори, ўрангайлик Обиддин Фахриддинов, қўшқўрғонлик Почтахон Бобоҷонов, туркистонлик Илҳом Айниддиновлар назм машқларини ўқиб беришди. Қарноқлик Файзулла Мирзахмедов ижросидаги сурнай навоси, иқонлик хушовоз ҳофизлар Фозил Фуломов, Қосим Бойбеков куйлаган мумтоз қўшиқлар, аккордиончи

маслаҳати депутати Хуршид Шароповлар меҳмонларни муборакбод этди. Обунани ташкил этишдек, осон бўлмаган савобли ишдан ёш авлод кексалардан ўрнак олса нур устига нур. Хусусан, мезбон Ирискул Аббосовнинг тадбиркор ўғли Асқад Аббосов мисолида шу ниятимиз қарор топишига ишончимиз катта. Турли йилларда январь ойда туғилган фаол обуначиларимиз Жаъфар Исмаиловлар, Марат Эргашов, Хусан Убайдуллаев, Абдухамид Умаров, Раҳматиятулла Ёқубов, Самихон Аҳмедов, Аймак Оллоберганов, Тўхтамурод Қосимовларни таваллуд кунини билан муборакбод этиб, мустақкам саломатлик, омад, саодат тилаймиз. Ҳимматли иқонликлар – Айниддин Абубакиров, Ирискул Аббосов, Раҳматжон Абдусатторов, Миртемир Маҳмудовлар ҳомийлигида ёзилган тўқсон дастурхон узра она тилимиз, эл бирлиги, ёшлар келажаги ҳақида кўп эзгу тилак, таклиф, ният ва режалар янгради. Фаол обуначимиз, Чипон қишлоғи УЭМБ раиси Жумадулла Абенов, Янги Иқон қишлоғи оқсоқоллар сардори Бобожон Ёқубовлар тиловат ва дуо қилиб, элга тинчлик, фаровонлик, ёшларга саодат тилади. Ижобат бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: "Оталар чойхонаси" анжуманидан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

>>> Буюқ Фалабага – 80 йил

ФИДОЙИ ИНСОНДАН ҚОЛУР ЯХШИ НОМ

Ўқитувчи миллатнинг ёрқин истиқболли келажagini яратувчи, уни дунёга танитадиган баркамол авлодни тарбиялайдиган заҳматкаш инсондир. Мақоламиз қаҳрамони ажойиб устоз, ўқитувчи-мураббий, кўплаб илмларнинг етакчиси, умр бўйи илм-маърифат улашиб яшаган камтар ва хокисор инсонлардан бири – раҳматли Турсунхўжа Абдунақибов.

Т. Абдунақибов 1930 йил 12 декабрда Сайрам қишлоғида таваллуд топган. Унинг болалик чоғлари урушдан кейинги энг оғир даврларга тўғри келди. Шундай бўлишига қарамай, билимга чанқоқ Турсунхўжа ёзиш, чиқиш, ўқитишдан тинмади. Ва ниҳоят, Улуғ Ватан уруши тугаб, юртимизда тинчлик насими эсаётган бир паллада, ўрта мактабни, сўнг, Тошкент шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлайди. 1950 йилдан бошлаб, Манкент қишлоғидаги Ленин номи мактабда муаллимлик фаолиятини бошлади. Ўқитувчилик мураккаб, аммо шарафли касб эканлигини амалда намоён этган Турсунхўжа Абдунақибовни раҳбарият она қишлоғидаги Ю. Сарёмий (собиқ Калинин) номи ўрта мактабга ишга тақлиф қилади. 1960 йилда ҳозирги Е. Юсупов (собиқ Тельман) номи мактабда директорлик фаолиятини бошлаб, йил охирида Сайрам туман маориф бўлимига нозир этиб тайинланади. Сўнг Қизилсув даҳасидаги (собиқ Энгельс) Сайрам мактабда директорлик қилди. Фидойи, камтар, ҳақиқатпарвар ҳамда ўзи, ҳамкасблари ва ўқувчиларга

нисбатан талабчан, ғамхўр устоз 1964 йилдан 1990 йил фахрий ҳордиққа чиққунга қадар, Сайрам даҳасидаги Маншук Маметова номи мактабда директорлик қилди. У мураббий, тарбиячи, таълим берувчи, бир сўз билан айтганда, инсонни жамиятга онгли шахс сифатида тайёрлаб берувчи касб соҳиб сифатида кўплаб шогирдларга мураббийлик қилди.

“Қозғоғистон ССР Маорифи аълочиси” Турсунхўжа Абдунақибов қаерда ишлагани, ўзининг меҳнатсеварлиги, талабчанлиги билан жамоанинг эътиборини қозонди. Унинг таълим соҳасига қўшган ҳиссаси турли ташкилотлар томонидан муносиб баҳоланган. Т. Абдунақибов ҳақида сўз юритганда унинг ҳамкасблари таълим-тарбия ботида илғор ҳисобланган М. Маметова номи мактабда бирга ишлаб, сабр-қаноат билан билимни авлод тарбияси учун куч-гайрати, касб маҳорати, билим-заковатини сарфлаган ўқитувчилардан Усмонхўжа Ҳасанов, Сайдимурод Сотволдиев, Муҳиддин Қодиров, Қаноат Умаров, Турсунбой Убраев, Шарофат Акмалова, Зулфия Ҳожинаярова, Тур-

димат Одилметов, Маҳбуба Тиллахўжаева каби кўплаб фидойи устозларни ёдга олиш жоиз. Шогирдлари заҳматкаш устозларини ёдга олиб, ширин хотиралар билан эслади. Улар жамиятнинг турли соҳаларида фаолият юритиб, бугунги кунда фахрий ҳордиқ гаштини суришмоқда.

Умрнинг бардавомлиги эса фарзанд аталмиш бебаҳо неъмат билан собит. Умр йўлдоши Раҳима ая билан 10 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Ўғил-қизларининг барчаси олий маълумотли, улар орасида ота касбини давом эттираётганлари ҳам бор.

Барчамиз бу дунёда омонатмиз. Ҳар кимнинг умри ўлғолик... Турсунхўжа Абдунақибов 2003 йил 7 август куни оламдан ўтди. Инсоннинг умри, унинг қасру қошоналари, зеру забари билан эмас, ҳалол меҳнати, эзгу амаллари, одамлар қалбидан бунёд этган маънавий иморатлари билан ўлчанади. Т. Абдунақибов эл ардоғида, халқнинг хурмати, эъзозига сазовор инсон сифатида ҳаётдан ўтди. Унинг инсонийлиги, фидойилиги, таълим-тарбияга жонқурлиги каби эзгу фазилатла-



ри ҳамкасблари, шогирдлари, фарзандлари қалбидан бир умр сақланиб қолаверади.

– Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Уни мазмунли ўтказиб, эл қорига камарбаста инсон сифатида яшаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Кимдир шунчаки яшаб ўтади. Аммо, раҳматли акам “Эл қорига камарбаста бўлиш – олий саодат!” шиори остида яшаб ўтди. Бор куч-гайрати, меҳрини ёшлар тарбиясидек шарафли ишга бағишлади. Элда эъзоз топди. Мен акам билан, фарзандлари отаси билан, набиралари бобоси билан ҳақли равишда фахрландилар, – дейди фахрий темир йўлчи, жамоат арбоби, ҳурматли муштариимиз Эркин Абдунақибов. Билимли, тафаккури юксак, илғор фикрли кишининг дунё-қараши кенг бўлади. Меҳнатдан келган мартабаю обрў, шон-шухрату бойлик... барчаси тотли. Фидойилик, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик каби хусусиятларга эга инсоннинг номи тарихда қолиши табиий.

Муҳтабар УСМОНОВА.

Улоғбайт

“СИТАМДИН, БАС, ИЛИКНИ ЧЕКМАК АВЛО, ВАФОУ МЕХР ТУХМИН ЭКМАК АВЛО”. Алишер НАВОЙИ.

(Мазмуни: “жабру ситамдан қўл тортиб, вафою меҳр уруғини экиш афзал”).

“ОДАМ БОЛАСИНИНГ БАҲОДИРИ УЛДИР-КИ, ЎЗ НАФСИ УСТИДАН ГОЛИБ КЕЛГАЙ”.
Шайх Иброҳим ибн Довуд РОҚҚО.

“ЎЗ ТЎНИНГГА СОЛСАНГ АГАР ЮЗ ЯМОҚ, ЎЗГА ТЎНИНГ СУРАГАНДАН ЯХШИРОҚ”.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.




Маъриб таърифати

“АГАР ҲУКУМРОНЛИК ЎЗ КУЧИНИ ҲАҚОРАТДА СИНАСА, БУ ЖУДА ҲАМ ЁМОН, ҲУРМАТГА ҚЎРҚИТИШ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛСА ҲАМ ЁМОН, ЧУНКИ СЕН ЎЗ ЛАВОЗИМИНГДАН КЕТГАНИНГДАН КЕЙИН ҚЎРҚУВ ҲАМ КЕТАДИ ВА УНИНГ ЎРНИНИ НАФРАТ ЭГАЛЛАЙДИ”.

Кай Плиний Цецилий СЕКУНД,
Рим ёзувчиси ва жамоат арбоби.

“ФАҚАТ ТАШҚИ КЎРИНИШИМИЗНИ КЎРСАТГАНИ УЧУН ҲАМ КЎЗГУДАН МИННАТДОР БЎЛИШИМИЗ ЗАРУР”.

Сэмюэл БАТЛЕР, инглиз ёзувчиси, таржимон.




АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ҲИКМАТЛАРИ

- Кўз билан кўрган эшитгандан афзалдир.
- Ёлгон доим ростдан енгиллади, у худди сув юзасидаги кўпикдек йўқ бўлиб кетади.
- Ҳар бир инсоннинг кадр-қиймати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.
- Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бормайди.
- Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.

ФУКИДИД ҲИКМАТЛАРИ

(Милоддан аввал 454-399 йилларда яшаган юнон тарихчиси)

- Бошқаришни нозик табиатли кишиларга қараганда кўпол кишилар яхшироқ удалашади.
- Кам билиш кишиларни жасур қилади, фикрлаш эса – журъатсиз.
- Киши табиатан унга ёқишга интиладиганга менсимасдан қарайди, унга эгилмайдиганга хурмат билан қарайди.
- Мен душман ҳийласига қараганда ҳам ўз хатоларимдан кўпроқ кўрқаман.
- Фақат ўзаро кўрқув иттифоқни мустаҳкам қилади.



- Эркалар даврасида танбеҳ ва мақтов айтилмайдиган аёл катта хурматга лойиқдир.
- Кўрқув – хотирадан айиради.



ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Баъзида андиша билан очилмаган “эшик”ларни тегиб кириш керак, шунда нимагадир эришса бўлади...

Абдувоҳид СУВОНОВ.

>>> Табобат

ЗИРА ВА ҚЎҚ ЧОЙ ҚОН БОСИМИНИ МЕЪЁРЛАШТИРАДИ

- Қон босими юқори бўлган беморлар учун куйидаги усулни тавсия қиламиз:
- Кичкина чойнакка 1 чойқошиқ зира, 1 чойқошиқ кўк чой соламин ва устидан қайнатилган сув қуямиз. Бу дамлама 10 дақиқа тиндириб қўйгач, у чой ўрнида истеъмол қилинади. Муолажа давомийлиги бир ой.



1,5 ОЙ ДАВОМИДА ҲАР КЕЧА ЁТИШДАН ОЛДИН, ШУ МАҲСУЛОТЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИБ ЁТИНГ

- Таркиби: 1 дона анжир меваси, 5 дона қуритилган ўрик, 1 дона оддий ўрик меваси.
- Фойдаси қандай?
Фойдаси шунда-ки, бел соҳасидаги умуртқа суяқларига самарали таъсир кўрсатиб, хатто умуртқа чурраси касаллигини ҳам енгиллаштиради, суяқларини мустаҳкамлайди.



Ёш авлодни билимдон, рақобатбардош шахслар сифатида камол топтиришдек буюқ вазифанинг ижросини таъминлаётган – Муроджон Убайдулла ўғли раҳбарлик қилаётган 10-сонли «Қорабулоқ» умумтаълим мактабиде «Тили бирдиган – туйи бир» мавзусида ўзбек тили, қозоқ тили, рус тили, инглиз тили ўқитувчилари ҳафталикни муваффақиятли ўтказишди.



ФАНЛАР ҲАФТАЛИГИ ЮКСАК САВИЯДА ЎТДИ

Ушбу ҳафталикни ўтказишдан мақсад – ўсиб келаётган ёш авлод онгу тафаккурида тўзимлилик, миллатлараро тотувлик, ватанпарварлик туйғуларини ёшлиқдан шакллантириб боришдан иборат. Тадбирни фанлар бўйича услубий бирлашмалар етакчилари Мавлуда Раҳматуллаева, Дилдора Гултўраева, Алишер Норқулов, Гулбаҳор Умарова каби устоз-мураббийлар уюштиришди.

Тажрибали устоз-муаллимлар – илмий ишлар бўйича мактаб директорининг ўринбосари Элдор Абдуқодиров, тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Насиба Йулдошбековаларнинг хизматлари юксаклигини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Муқаддас ТОЖИМЕТОВА.

Тасвирларда: ҳафталик иштирокчилари.

>>> Ишчи касблар йили

Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаев жорий йилни “Ишчи касблар йили” деб эълон қилиши муносабати билан Шимкент шаҳар таълим бошқармасига қарашли Сайрам даҳасидаги 112-сонли Б. Содиқов номи мактабда ягона тарбия дастури доирасида “Касблар марафони” мавзусида тадбир ўтди. Мақсад – ўқувчиларга турли касблар ҳақида кенгроқ маълумот бериш ва уларнинг келажакдаги касбий йўналишларини аниқлашга кўмаклашиш эди.

Учрашувга тақлиф этилган Баҳодир Акрамшиқов ёш бўлишига қарамай, кўпчилика ибрат бўлаётган ёш мутахассислардан. У мазкур мактабда билим олиб, сўнг ўқишни “Сайрам” коллежидан давом эттирди. Уни имтиёзли диплом билан тамомлаб, бугунги кунда ушбу муассасада директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида хизмат қилмоқда. Баҳодир ўқувчиларга ўзининг ҳаётий тажрибалари, танлаган касбининг хусусиятлари, талаблари ва афзалликлари ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, у касб танлашдаги асосий хатолар ва тўғри қарор қабул қилишнинг аҳамиятини таъкидлади.

Учрашув якунида мактаб директори Шакизат Тешабайқизи Б. Акрамшиқовга миннатдорчилик билдириб, келгусидаги фаолиятига омад тилади.

З. МЎМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

КАСБ ТАНЛАШ – МУҲИМ



Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкитбош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” виллоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирүүларида факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.»
«Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб кайтарилмайди.»

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҲҲУ0022503 гувоҳнома берилган.

“EKNUR”-ning “МБ” босмаханасида чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11700 нуска.

Биринчи
173.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.